

Таъзия



11:21 / 05.09.2018 4543

“Nilol-nashr” нашриёт-матбааси ҳамда Islom.uz портали жамоаси Сулаймон қори даданинг ўғиллари Зикруллоҳ домла (Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг катта куёвлари Абдулбосит қорининг тоғалари)нинг вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади. Ушбу мусибат муносабати билан марҳумнинг барча оила аъзоларига, қариндошлари ва яқинларига самимий ҳамдардлик билдиради.

Зикруллоҳ домла динимиз учун, халқимиз учун кўплаб шогирдлар тайёрлаб, тарбия қилиб, эл-юртга тақдим этдилар, бу йўлда бениҳоя меҳнат қилдилар. Бу, у кишининг Қуръони каримга, илм-маърифатга ихлосу муҳаббатларининг буюклигидандир.

Аллоҳ таоло охират сафарига кузатилаётган бу бандасини мағфиратига олсин, аҳли аёллари, фарзанду набираларига сабру салвон бериб, қазои

қадарини иймон ила, розилик ила қарши олганлар қаторида ажру мукофотлар ато этсин.

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло мусибатимизда ажр берсин ва хайри халаф берсин!

Жаноза 18:15 да Саид Ваққос ота масжидида бўлиб ўтади.

“Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъун”

“Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз У Зотга қайтувчимиз”